

# Миллий Тикланиш



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 30 ноябр

44 (217)-сон

## ЎТМИШНИ УНУТМАНГ — КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАНГ: МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

Мамлакатимизда бўлажак улкан сайловлар тобора яқинлашиб келмоқда. Яна тўрт кундан кейин овоз юртимизда Маҳаллий Кенгашларга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. Унга тайёргарлик, таралдууд авж паллага кирди. Номзодлар ва сайловчиларнинг янги давримизга муносиб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий билими, маънавий кучи уйғунлашиб, халқ ва Ватан келажиги-

нинг ҳал қилувчи дамларида масъул ва масрур турибди! Шу улуг сафда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, унинг илк бора, лекин фақат чин сўзлари, асосли ҳаракат дастурлари, илм кудрати билан халқ олдига чиқаётган номзодлари ҳам бор.

Партиямиз Олий Мажлис депутатлигига юздан зиёд ўз ишончли номзодларини биринчи бор тавсия этди. Улар турли касб эгалари, халқимиз ичи-

дан қайнаб чиққан, ҳар ишда оқил тадбирли, юртин тиклашга — юксалтиришга чоғланган, катта иқтидор, қобилият соҳибларидир. Уларнинг барчаси Олий Мажлислами, меҳнат жаҳаларидами — қаерда бўлмасин, Ватан, Миллат, Инсон манфаатлари учун қайғурадиган, бу муқаддас тушунчаларни ўз тақдирида кўрайдиган элпарвар, тараккийпарвар кишилардир. Биз «Миллий тикланиш тафаккур ва инсон кадри тикланишидан бошлана-

ди. Инсон кадри Ватан кадри билан бирга тикланади!» деб биламиз. Сизга муродимиз — мушоабатимиз ҳам шу шир мазмунига туташ: Келинг, азиз юртошлар, қадригиз тикланиши учун овоз беринг! Биз сайловчиларга — халқимизга худди ўз гоъларимизга ишонган каби ишонимиз ва умид қиламиз.

Овоз овозларингиз ул кун бизни дегайлар, Тикланиш номзодлари ҳар кун сизни дегайлар!

## ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2000 йил 9 январь — Президент сайловлари куни. Аввал хабар берганимиздек, «Фидокорлар», «Адолат», «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойларида ҳамда Қоракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сессияларида бўлажак сайловларда Президентликка Ислам Каримов номзоди кўрсатилган эди. Марказий сайлов комиссиясидан олинган ҳабарларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бўлажак сайловларда Фидокорлар миллий-демократик партияси аъзоси сифатида иштирок этишга ўз розилигини билдирган. Шунингдек, Ислам Каримов Қоракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, «Адолат» ва «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойлари қатнашчиларига ўз номзодини Президентликка кўрсатганликлари учун самимий миннатдорлик ихор этган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз қурултойида мазкур партия биринчи қотиби Абдулҳафиз Жалолов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кўрсатган эди. Абдулҳафиз Жалолов бўлажак сайловларда Халқ демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга розилик берган.

24 ноябр куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўрсатилган Ислам Абдуғаниевич Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзод этиб рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўрсатилган Ислам Абдуғаниевич Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзод этиб рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзод этиб рўйхатга олинди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

#### ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислам Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси  
Н. КОМИЛОВ.

Тошкент, 1999 йил 24 ноябр.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

#### АБДУЛҲАФИЗ МАРАҲИМОВИЧ ЖАЛОЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси биринчи қотиби, Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А.М. Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси  
Н. КОМИЛОВ.

Тошкент, 1999 йил 24 ноябр.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ ҶОЛИ

### КАРИМОВ Ислам Абдуғаниевич

Ислам Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумоти, Урта Осие Политехника ва Тошкент Халқ ўқитувчи институтларини тугатган. Мухандис-механик ва иқтисодчи мутахассислигига эга. Меҳнат фаолиятини 1950 йилда Тошкент кишлоқ хўжалик машинасозлиги заводига бошлаган.

1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосарига бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И. Каримов Ўзбекистон ССР Молия миносири, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи қотиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи қотиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И. Каримов Ўзбекистон ССР Президентини этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни И. Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустакиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунига кўра, И. Каримовнинг президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

У оилали, икки нафар фарзанди, учта набираси бор. Рафикаси Т. А. Каримова — иқтисодчи, илмий ходим.

И. Каримов суверен ва мустакил Ўзбекистонни барпо этиш, халқларар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тувеликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борда матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қадрамони» унвони, «Мустакиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден-медаллари билан ҳам мукофотланган.

И. Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисоди, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун тўққиз хорижий мамлакат университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиклигига сайланган.

Халқимиз истиклол йилларида эришилган салмоқли ютуқларни ҳақли равишда И. Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди.

И. Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидир:

— Ўзбекистон мустакиллигининг асосчиси, мамлакатимизнинг истиклол дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби; — демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла

жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татиқ этишнинг кафолатчидир;

— марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислох қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-иқтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди;

— халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон таърибларини муқомлаштирган иқтисодий ислохотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчилик роли, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган;

— Ўзбекистон давлатининг худудий яхлитлигини, сарҳадларини таъминлаш ҳимоя қилишга қодир Қурултай Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларини замонавий ислохотлар асосида ташкил этиш ишга бошчилиқ қилди;

— КПСС Марказий Комитети бошчилигидаги кучлар Ўзбекистонда адолатсизлик ва таъийқларни авж олдирган йилларда ўзбек номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фидойилик намунасини кўрсатди;

— халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлат сиёсати даражасига кўтарди;

— халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этишда буюк ҳизмат қилди;

— одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онда янги миллий гоъ, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва муштахкамлаш ишига раҳнамолик қилди;

— юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тувелик ва ҳамжихатликни қарор топтириш, уни сақлаш ҳамда муштахкамлашга беқиёс ҳисса қўшди;

— моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими — Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратди ва уни амалга оширишда бевосита етакчи бўлиб келмоқда;

— маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувиди нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;

— юртимизнинг турар жойларида янги қурилишлар, шу жумладан, улуг аждодларимизнинг қадимжоларини обод қилиш, иқтисодимизнинг салоҳиятини оширишда катта ўрин тутган йирик-йирик қорхоналарни бунёд этишда, қўлгина шаҳар ва кишлоқларимиз, авваламбор, пойтахтимиз Тошкентнинг шакл-қийфасининг тубдан ўзгаришида бевосита раҳбарлик қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Ислам Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, янги асрда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўп миллий халқимизни бирлаштириб, уни улуг мақсадлар сари бошлаб бормоқда.

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов 1947 йилнинг 1 июнида Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. 1964 йилда Наманган вилояти Янгйўрт тумани Бирлашкан кишлоқдаги 14-сон ўрта мактабини, 1969 йилда эса Тошкент Давлат университетини фалсафа ихтисослиги бўйича тамомлаган. Файласуф. 1976 йили «Гегел ва Шарқ халқлари фалсафий фикри» мавзюида номзодлик, 1992 йили «Шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва жамиятни инсонийлаштириш муаммолари» мавзюида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Фалсафа фанлари доктори.

1971 йилдан эътиборан (Чегара қўшинлари сафида, Термиз шаҳар заставаси бошлиғи ўринбосари лавозимда ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг) фалсафа ва ҳуқуқ илмий-педагогик фаолият билан шуғулланган. ТошДУ фалсафа кафедраси ўқувчиси, ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти фалсафа кафедраси мудири, ТошДУ қошидаги олий ўқув юртини ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти фалсафа кафедраси доценти, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти бўлим мудири вазифаларида ишлаган. 1993 йилдан ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори.

Фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик йўналишларида илмий-тадкиқот ишлари олиб боради. Мазкур соҳаларга оид 250 дан зиёд чоп этилган ишлар муаллифи. Улар орасида: «Инсон омил: фалсафа, мафкура, сиёсат» (Т.: 1991, рус тилида); «Ўзбекистон: мустакиллик, маънавият, мафкура» (Т.: 1994); «Мустакиллик маъсуляти» (Т.: 1996); «Истикбол уфқлари» (Т.: 1998) номли монографиялар бор. Шунингдек, «Урта Осие халқлари фалсафий мероси ва гоълар кураши» (Т.: 1988, рус тилида) мавзюидаги жамоавий монография ҳамда «Фалсафа» (Т.: 1999) ўқув кўланмаси ҳаммуаллифи. Илмий ишлари АКШ, Буюк Британия, Беларус, Россия, Ҳиндистон, Қирғизистон, Эстония мамлакатларида чоп этилган. Х Халқаро гегелчилар конгресси (Москва, 1974), XX Бутунжаҳон фалсафа конгресси (АКШ, Бостон, 1998) ва, шунингдек, Тошкент, Деҳли, Москва, Минск, Киев, Таллин, Тейхрон, Волгоград, Екатеринбург каби шаҳарларда ўтказилган илмий анжуманлар иштирокчиси. Инсон, жамият, халқ, меҳнат, мулк, бозор иқтисодиёти, маънавият, маънавият, фалсафа, эркинлик, ахлоқ, маданият, мустакиллик, сиёсат, мафкура каби кўплаб, ҳаммага мунозара талаб, «абдий» тушулчан, муаммоларга янги рақиблик ҳаракат қилган. Унинг бевосита раҳбарлигида қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланган.

1993—1996 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги фалсафа фанлари бўйича докторлик ҳимоясига ихтисослаштирилган кенгаш аъзоси бўлган. 1996 йилдан Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг сиёсатшунослик ҳамда ҳуқуқшунослик фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш раиси.

1986 йилдан Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий аппаратида ишга ўтган. Лектор, лекторлар гуруҳи раҳбари, мафкура бўлими мудири муюбини лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бўлим мудири, Марказий Кенгаш иккинчи (1993), сўнг биринчи қотиби (1994). 1999 йилнинг октябр ойида Ўз ХДП Марказий Кенгашининг биринчи қотиби этиб қайта сайланган.

1994 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси биринчи қаҳирок Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат парламентидаги фракцияси раиси (1995).

Оилали, 4 та фарзанди бор. Кейинги йилларда: — ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти мамлакат маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган, фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммоларини тадиққ этишни, юксак малакали илмий кадрлар тайёрловчи ҳамда илм-фан ютуқларини тарғиб қилувчи нуфузли даргоҳга айланди;

— Ўзбекистон мустикалликнинг маънавий негизларини муштахкамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштирокчини таъминлашга қаратилган таъсирчан илмий-ташқиқотий чоралар амалга оширилмоқда; — Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафлари ўсди, унинг ўзи гоъвий-сиёсий жиҳатдан улғайди, ташқиқотий томондан муштахкамланди, мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бирига айланди; — Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат Парламенти — Олий Мажлисида энг йирик фракцияга, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларининг аксарияти таркибиде ўз партия депутатлари гуруҳига эга бўлиб, улар халқимиз ҳаётига оид муҳим қонунлар, қарорларни қабул қилиш, уларни ҳаётга татиққ этиш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлашга қаратилган дастурларни рўёбга чиқариш сайё-ҳаракатларини амалга оширмоқдалар; — қатор мамлакатларнинг, жумладан, АКШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқаларнинг сиёсий таърибаси уларга қилинган таъриф орқали ўрганилди; — Ўзбекистон ХДПнинг халқаро обрўсини оширишга хорижий мамлакатларга партия вакилларининг таъсирчун бўлиши учун эл делегацияларини, Ўзбекистондаги элчиқоналар, халқаро ташқиқотлар раҳбарлари, масъул ходимларини Марказий Кенгаш, партия қўйи тузилмаларида қабул қилиш орқали эришилди; — буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ХДПни мамлакатда рўёбга чиқарилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирок этишининг, уни юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳамда тувеликни сақлашнинг муҳим сиёсий омилли бўлишининг муштахам замини бўлиб ҳизмат қилди ва қилмоқда; — шулар боис Ўзбекистон ХДП халқимиз барча қатламлари, хусусан, оддий меҳнатқаш, фуқаро эҳтиёжларининг чинакам ифодачиси ва уларни қондириш учун жиддий курашга тайёр сиёсий куч эҳалигини барча ватандошларимиз тобора яққол англамоқдалар.

ЎЗМТДП ТОМОНИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

ҲАБИБУЛЛО АБДУКАРИМОВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Миллий тикланиш ғоясининг асосида маънавият туради. Бу соҳада аниқ ва муддатлари белгиланган вазифалар партиямизнинг ҳаракат дастурида кўрсатиб берилган.



130-Боёвот сайлов округи
Ҳабибулло Абдукаримов 1950 йили Уратепа туманида туғилган.

Ўз халқининг кадр-қимматини, ор-номусини улуғлаш, ҳимоя этиш, фидойлик кўрсата билиш, миллий гуруҳ ва шижоат туйғуларини тарбиялаш, бугунги шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятида барча миллатнинг тенглиги, ҳуқуқий кафолатланганлиги шароитида миллат ва Ватан учун масъуллик кўникмаларини мустаҳкамлашга эришишга интилиш.

1. Узулқузи педагогик таълим тизимини такомиллаштириш орқали ёш авлоднинг камил инсон руҳида тарбиялаш олайдиган, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг истиқболлини белгилаб берувчи кадрларнинг касбий тарбияси билан боғлиқ бўлган қонуларнинг касбий тарбияси билан технологиясини ишлаб чиқиш.

ни ярата оладиган кадрлар фаолиятини оммалаштириш. Ҳуқуқий, шифокор ва журналист каби мутахассисларнинг касб меҳнати, кадр-қимматини рағбатлантириб бориш.

да илғор ғояларни ўрганиш орқали ёшларни, бева-бечораларни, мададга муҳтож инсонларни маънавий-қонуний муҳофазага олишга эришиш.

Миллий тикланишдек ғоя иродаси мустаҳкам, имони бутун, фикри-зикари халқ дарди билан банд, унинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга қаратилган шахслар онгда етилади. Мен ўзимнинг камтарин ҳаётимни «Миллий тикланиш» ғоясининг бирлашувчилик ва бирдамлик кучини тарғиб этишга ва шу йўлда бор билим ва тажрибамни ишга солишга бағишлаганман.

БАХТИЁРЖОН МЎМИНОВ 181-Данғара сайлов округидан

Бахтиёржон Мўминов 1949 йилнинг 10 августидан Фарғона вилояти Риштон тумани, Риштон қишлоғида ҳуқуқшунос оиласида туғилди. Тошкентдаги Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини 1971 йили муваффақиятли битирди.

НОЗИМ ҲАБИБУЛЛАЕВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Дастур Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди платформасига асосланган.




21-«Оқлон» сайлов округи
Нозим Ҳабибуллаев 1951 йили Тошкент шахрида туғилган.

1. «Ўзбекмузеи» Республика жамғармаси ишлаб топган даромадлар ҳисобидан «Меҳрибонлик уйлари», «Нуронийлар уйлари»га моддий ёрдам кўрсатиб туриш.

ҚОДИРЖОН ТОШМУҲАМЕДОВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Кузатиш мақсади — Ўзбекистон халқ-хўжалиги тармоқларини миллий иқтисодий асосига мувофиқ шакллантириш, жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўзбек феноменини юзага келтириш.



14-Қўйлик сайлов округи
Қодиржон Тошмуҳамедов 1953 йили Тошкент шаҳрида туғилган.

2. Тадбиркор, фермер хўжалиқлари, хунармандларни замонавий коммуникация, транспорт билан таъминловчи ички-ташқи алоқаларини боғлаб берувчи дунё аҳамиятига эга УЎЗБЕК АССОЦИАЦИЯСИНИ ТУЗИШ.

АБДУҲАКИМ ҲОЖИБОЕВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Сиёсий соҳада: Давлат ва жамият бошқарувининг барча тизимларида қонуний устуворлигига эришиш.



172-Навбахор сайлов округи
Абдуҳаким Ҳожибоев 1951 йили Зангиота туманидаги Узғариш қишлоғида таваллуд топган.

стоматология пунктларини сақлаб қолиш, уларда ишловчи тиббиёт ходимларининг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини таъминлаш.

Сиёсий соҳада: Аввало, ички сиёсатда, ҳар бир шахсда ўз-ўзини идора қила олиш қобилиятини тула шакллантириш.

Ўқитувчи, зиёлилар, тадқиқотчи-олимларнинг иш ҳақини прогрессив ўстириш, уларни рағбатлантиришни кучайтириш.

жасини яратиб ва ривожлантириш. Қария ва ногиронларга давлат ғамхўрлигини янада кучайтириш.

ЎТМИШНИ УНУТМАНГ — КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАНГ: МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

Баркамол инсонни тарбиялаш азалдан инсоният олдига турган муҳим муаммолардан бири бўлиб келган.

дан хос бўлган қувват — туғма муҳаббат билан белгиланади. Мана шу куч инсонни камолот сари етаклайди.

ларнинг ичига муҳаббат (уруғи) солинган эди. Агар ҳодисалар ўзининг камолотга мойиллик қувватини йўқотса, муҳаббат бу қувватни яна қайта тиклайди.

қолишидан доим ташвишда бўлиб туради. Шу сабабдан у юзидagi пардаси очилиб қолганда, ҳар доим ўзининг майбонлигини кўйлагининг узун энги билан ёпишга ҳаракат қилади.

Инсоннинг маънавий камолоти унинг гўзалликка интилишида ўз ифодасини топади. Инсоннинг маънавий камолоти унинг нафсини тарбиялаш орқали амалга ошади.

Мавжуд оламдаги нарсаларнинг мартабалари уч даражага бўлинади: олий даража камолотга эришилиши мумкин бўлган нарсалар; камолотга эришиши учун етарли бўлмаган нарсалар, ва ниҳоят, оралиқдаги нарсалар.

Демак, олий тамойил томонидан бошқарилувчи ҳар бир нарсанинг мавжудлиги туғма муҳаббат билан белгиланади. Муҳаббат барча гўзал ва ақлга мувофиқ нарсаларнинг маъқулланиши, гўзалликка интилишининг бошланғичидир.

Инсоннинг ақлини тарбиялаш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш.

Инсоннинг ақлини тарбиялаш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш.

Инсоннинг ақлини тарбиялаш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш.

Инсоннинг ақлини тарбиялаш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш.

Инсоннинг ақлини тарбиялаш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш, унинг ҳаққига эришиш.

ИБН СИНОНИНГ

эканлигини яхши сезади. Онгсиз ҳайвонларнинг нафс ҳаракати — уларнинг яшаш фаолиятини таъмин этувчи нуносиб (яхши) сифатдир.



**ОПЕРАНИНГ ЯНГИЛАНИШИ**


А. Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театрида бўлиб ўтган премьерани янги операнинг эмас, балки янги операнинг премьераси бўлди. «Авазхон ва Малика» деб номланган бу асар барча томошбинларда, айниқса, ёшларда катта қизиқиш uygотди.

Таниқли бастакор Сайфи Жалил «Маликаи айёр» операсини ёзганига кўп йиллар бўлиб қолди. У томошбинларга тез-тез намойиш қилиб турди. Лекин ўша пайтда опера яратишнинг маълум бир қолипларидан чиқиб кетишига йўл қўйилмасди. Сал ёнга ташласангиз, катта танқидга учраб, ёмонлик бўлиб қолишигиз ҳеч гап эмасди. Вақт ўтиб, икки санъаткорнинг шу операга нисбатан яхши ниятлари ошкора бўлди. Бирини асар муаллифи Сайфи Жалил, иккинчисини шу асарнинг дирижёри, таниқли идиоркор Ўзбекистон халқ артисти Хамид Шамсуддинов эди.

Опера томошбанида бутунлай бошқача асар — «Авазхон ва Малика» номи билан шинавандаларга тақдим этилди. Асарни янги талқинда саҳнага олиб чиққан режиссёр Хайдарали Қосимовнинг, расом Алишер Норовнинг, бош ролларни ижро этган Бахриддин Бекмуродов ва Саида Мамадалиеваларнинг меҳнати катта эътиборга лойиқ. Айниқса, дирижёр Хамид Шамсуддиновнинг машаққатли меҳнати катта эътиборга лойиқ.

Янгилашган опера янги ном, янги талқин билан муайян маданиятимиз тарихида қолишига ишончимиз баланд.

**Аваз МАНСУРОВ,**  
Ўзбекистон  
Бастакорлар  
уюшмаси раисининг  
ўринбосари



**МУМТОЗ КЎРКЛИ НАҚШЛАР**

Нақош уста Тешабой ака Исмоиловнинг мафтункор санъати пахтабоддикларнинг ҳамisha нигоҳида. Турфа бинолар, нақшин дарвозаларда бу санъат сеҳри, завқи нурулиниб, ўз жозибасига чорлаб туради. Устоз Андихон вилоятидаги, Республикаимиз ҳамда кўшни республикалардаги кўп масжид, мадраса ва тарихий биноларни таъмирлашга катта ҳисса қўшган. Унинг кўлида сайқал толган нақшинкор эшиклар, мукарнасли устунларнинг мумтоз кўрки ўзгача. Бугун унинг кўплаб шогирдлари, ажодлар касбига ихлос қўйган неваралари — устоз йўлидалар. Сиз кўриб турган санъат намуналари Меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданий ходими, устоз нақош Тешабой ака Исмоилов сайқал берган дурдоналардир.

*Талаба маънавияти*

Тошкент Архитектура — курилиш олий мактаби раҳбарияти кўпйиллик тажрибасига таяниб, талабалар билан ишлаш масалаларини ибрат ола-арзигулик йўлга қўйган. Талабалар кенг, ёруғ ва иссиқ аудиторияларда сабоқ олади-лар. Институт ховлисида нарх-навосини талабалар ҳамени бемалол кўтарадиган ошхона мунтазам ишлаб туради. Олий мактабнинг алоҳида радиотармоғи бўлиб, ҳар танафусда талабаларнинг ўзлари халқро аҳвол, мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий ҳаёти ва олий мактаб ҳақидаги янгиликлар ҳусусида эшиттиришлар олиб боради.

Олий мактабда талабалар маънавий ҳаёти-ни янада бойитадиган илмий анжуманлар, адабий-баддий учрашувлар тез-тез бўлиб туради. Куни кеча институт мажлислар залда шундай унутилмас учрашув бў-

либ ўтди. Учрашувга нафақат шу институтнинг ўқитувчи ва талабалари, балки Иқтисод, Техника университетлари, Маданият институтининг талабалари ҳам ўз устозлари қодирининг «Ўткан кунлар» асарини ёлға олиб, бир мулоҳазани ўртага қўйдилар: Отабек ёлғиз фарзанд эди. Кумуш ҳам ёлғиз қиз эди. Отабек Марғилонда ичкўе бў-

давоми эса, ўзингиз билгандек...  
Воқеалар ривожини, бизнингча, ўз-ўзидан Кумушнинг вафотини талоқо қиларди. Бугунги кунда ҳам узоқ жойдан уйланиш ёки турмушга чиқиш ўзига хос турли муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Маданият институти-нинг мураббийси, доцент Саодатхон Йўлдошев ва урф-одатларимиз, тўйларимиз ҳақида му-тахассис олимпиа сифати-да фикр юритди. Ниҳоят уйининг вақили Гулно-раҳон Имомованинг маърузаси ҳам тингловчи-ларда катта таассурот қолдирди. Маданият институти талабалари кўйган саҳна томошаси узоқ қарсақлар билан кўтиб олindi.

Икки соатдан орти-роқ давом этган учра-шуви фольклоршунос олимимиз, фан доктори Малик Муродов ақунла-ди.

**Гулнора РАҲМОН**

**УЙГУНЛИК**

билан ташриф буюрди-лар.  
Учрашув мавзуси «Тўйлар ҳақида ўйлар» бўлиб, йигинчи халкимизнинг севилиш шoirаси Турсуной Содикова олиб борди. Унинг тўйлар, урф-одатларимиз, инсон қадри, фарзанд азияти, ота-она фарзанд қамоли учун не-не азобларни бошдан кечиришлари ҳақидаги сўзлари залда ўтирганларнинг ҳар бирини юрак-юрагига етиб борди.

Турсуной опа Абдулла

**ДАРДИМНИ КИМ ТИНГЛАЙДИ?..**

Сизларга ушбу мактубни йўл-лашимдан мақсадим демократия ва қонунчиликка интилаётган мамлакатимизда ҳали ҳам айрим қонунбузарликлар давом этаётганини эслатиш ва бу ҳолга қандай қилиб чек қўйиш мумкинлигини жамоатчилик фикри орқали би-лишдири. Гап шундаки, бу қонун-бузарликка ўзим гувоҳ бўлдим. Нафақат гувоҳ бўлдим, балки жа-бравуқига айландим. Бу ҳол шундай юз берди: 1999 йил 16 июн кунни тонг саҳарда бемор ёт-ган ойимни кўриб келиш учун без киши бўлиб менинг шахсий автомашинамда Жиззах вилоятига кетаётган эдик. Катта Ўзбек трактининг Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани ҳудудида авто-билимнинг орқа тарафидан бошқа машина уриб, ағдариб юборди. Бешоғимиз ҳам зулқаб билан қасалхонага ётқизилдик. 45 кун ётдик, чунки жароҳатла-римиз ўта жиддий эди. Жияним Антанасиёв реанимация бўлими-га жойлаштирилганимиз.

Касалхонада ётганимизда бир киши келиб, жияни машинада

бизнинг машинани туртиб юбор-ганини айтиди, ўзи узоқ йиллар Оқолтин тумани ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлаганини, ҳозир нафақага чиқганини маълум қил-ди. Бизга 30.000 (ўттиз минг) сўм пул узатиб, «Шу билан тинчиб ке-тинглар», — деди. Мен пулни ол-

ахтиёсизлик билан машинани туртиб юборган. Шу боис у жазо-ланмади», — деди.

Туман прокурори ҳузурига, ҳар қанча уринмайлик, киритишмади, аризамизни ҳам қабул қилишма-ди. Прокурор ўринбосари менга: «Судга мувожаат қил», — деди. Судгагилар ҳам «Бу ишдан хаба-риимиз йўқ», — дейишди. Мили-ция терговчисини Азимов: «Проку-рорга бор, ҳамма гапини аниги-ни ўшандан эшитасан», — деди.

Хуллас, беш кишини майиб қилган, машинани яроқсиз холга келтирган ўша хайдовчи ҳозир ҳам ялло қилиб юрибди. Тергов-чи Азимов менга бир гап айтган-ди: «Сен у ёқ-бу ёққа югурма, ту-ман прокурори билан оlishма, у-жада қучли, қўли ҳамма ёққа ета-ди».

Во ажаб! Ростданам шундайми? Ундай бўлса, қонун ҳақида қола-ди? Менинг дардимни ким эши-тади.

**Ҳурмат билан, Тошкент шаҳри Бошқирд кўчаси 9-уй,**  
202-хонадонда  
яшовчи Владимир АН

*«МТ»га мактуб*

мадим. «Хамма нарса қонун нуқ-таи назаридан ҳал бўлади», — де-дим. Тонанинг жаҳли чиқиб кетди ва менга: «Борадиган жойингиз бора! Прокурор билан ҳам, мили-ция бошлиғи билан ҳам гап-лашиб, кўйганман, ҳамма иш силлиқина битказилган», — дея хайр-маъзур-ни насия қилди.

Бизни дастлаб Оқолтин туман ИИБ терговчисини Азимов сўроқ қилган эди. Кейинчалик у тўнини тескари кийиб олди. Энг қизиғи, хайдовчининг кимлигини бизга айтишмади, машинани бериб юборишди. Менинг машинам ИИБда пачоғи чиқиб ётса-да, Ази-мов: «У хайдовчи жиноятчи эмас,

**ИБРАТЛИ ХИҚОЯТЛАР**

**ОТАНГ КИМЛИГИНИ АЙТ, КИМЛИГИНГНИ АЙТАМАН**

Автобус Андихоннинг шохқўча-ларидан бирида тезликни оширмай борарди. Йўловчилар кўп эмас. Оши-ди ўриндиқларнинг бирида ёши элликларга борган киши билан соқо-ли кўксига тушган нуруний ки-ши ўтирибди. Ўзини Исмоилжон деб таништирган одам оқсоқол би-лан гаплашиб кетмоқда. Бир пайт уларнинг сўхбати бўлинди. Исмо-илжон автобус ойнасидан таш-қарига қаради-да, шеригини тур-тиб мактана бошлади.

— Отаҳон, менинг маҳаллам. Мен шу ерда катта бўлганман.

Оқсоқол ялт этди Исмоилжон-нинг юзига тикилиди:

— Мен ҳам шу маҳаллаликман. Сизни танимаётиман.

— Ие, шунчаки. Мен ҳалиги Қосим новвойнинг кўчасида яша-ганман.

— Ха, Қосим новвойни танийман, лекин... — деб иккиланди чол.

— Яна танисаясизми? Ҳалиги, Латиф мисраг деган одам бўларди. Ушалардан икки ҳовли нарида эдик.

— Э-ҳа, жонинг жаннатда бўл-гур мисраг аjoyиб эди-да. Бари-бир сира танимаганман, ўғлим.

— Ия, ростдан ҳам шу маҳалла-ликмисиз ўзи, — деб асабийлашди Исмоилжон. — Нахоти, ҳалиям та-нимаган бўлсангиз. У-ў, ҳалиги, Тешабой уста бўларди-ку, ушалар билан рўпарам-рўпара яшаганмиз.

— Тешабой уста менинг ҳам имо-ратимни қурган. Яхши биламан, лекин танимаганман-да, болом.

Шу пайт автобус бекатга келиб охи-ста тўхтади. Исмоилжон ўк-райгандек машинадан тушиб кет-ди. Отаҳон Исмоилжонни гапта туг-моқчи бўлиб, унинг юзига тикил-ди:

— Отангни айт, отангни номи нимайдир? Ахир, отангни танирман-ку. Лекин автобус ўрнидан жилган,

**ТУФИЛГАН КУН**

Исмоилжон пастда оқсоқолга қараб турарди. Оқсоқол эса: «Табва, ота-сини айтса-ку, танирдим-а», — дея ўйга толди.

Шарқшунос олим Исматилла ҳо-жи Абдуллаев асли Намангандан. 33 йил Тошкентда яшади. Ўзбеки-стон Фанлар академиясининг шарқ-шунослик институтида ишлади.

Йиллар ўтди. Исматилла ҳожи 70 ёшга кирди. Тантана, иззат-икром ила пенсияга қузатилди. Энди у ту-филган юрти, киндик қони тўқилган Наманганга ошмади. Тошкентда иш-лаб юрган кезларида деярли ҳар ой Наманганга келар, болаликдаги дўст-лари билан чакчаклашар, маслақдош-ларини топиб сўхбат қурарди. Шу-нинг учуни, олимнинг ҳар гал На-манган шаҳрига ташрифи дийдорла-шув кечаларига айланиб кетар, оли-мга катта иззат-ҳурмат бажо келтири-ларди.

Олимнинг Наманганга қайтиши ви-лоят ва шаҳар раҳбарларини ҳам қу-вонтирди. Унинг 70 йиллик тантана-ларини нишонлаб беришмоқчи бў-лишди.

— Исматилла ака, — дейишди улар. — Наманганнинг фахрисиз, шунча йил Тошкентда ишлагингиз. Аммо, доимо она юртингиз билан ҳамнафас бўлдингиз. Намангандан олимлар етиштиришга ҳисса қўшди-низ. Кўплаб шогирдларингиз бор. Бизни ҳам ўша шогирдларингиз ка-торига қўринг. Юбилейингизни ўт-казиб берамиз. Сизни асло уринтир-маймиз. Хоҳлаган ёру дўстларингиз-ни тақлиф этинг. Дастурхон биздан. Ҳомийлар топиб қўйганмиз.

Исматилла ҳожи боши осмонга етиб ташаккур билдириди. Бир олам қувонч билан уйига келди. Ва эрта-лаб яна «хомийлар топиб қўйган» раҳ-барга рўбарў келди.

— Ха, ота тинчликми?

— Тинчлик. Тантаналардан воз ке-чдим, — деди Исматилла ҳожи.

— Нега?

— Бундоқ ўйлаб қарасам, ҳо-мийларнинг бирортасини тани-майман. Улар ҳам мени танимайди.

**ШАГИРД**

Олтмишинчи йилларда «Андихон-нома» (илгариги «Коммунист») газе-тасида Абдулаттоҳ Ражабов ишлаган эди. Узоқ йиллар «Наманган ҳақиқа-ти»да ҳам ишлади, Журналистлар уюшмасини бошқарди. Оммавий-ах-борот воситаларини демократлашти-риш ва қўллаб-қувватлаш жамғарма-сининг Наманган бўлимига раҳбар-лик қилди. Унинг 60 йиллик юби-лей тантаналари водий журналист-ларининг кадр-қиммат байрамига айланиб кетди.

«Наманган ҳақиқати» газетасида босилган тўйхатда шоир Ҳабиб Саъдулла Абдулаттоҳ Ражабовни «су-тозим», деб таърифлади, «туғилган укасидан ҳам зиёда бўлган бирода-риман», деб улуғлади. Юбилей ке-часини ҳам ўзи киёмига етказиб бошқарди.

Бир неча ой ўтгандан сўнг Ҳабиб Саъдуллага Абдулаттоҳ Ражабовнинг ўрнини тавсия этишди. Унинг блок-дай яшаб турган кўчалари янада чак-наб кетди. Бир лаҳза қарахт бўлиб жим турди. Сўнг:

— Тўғри, Ҳабиб Саъдуллаев иш-дан бўшаган, беиш юрипти. Лекин шоир Ҳабиб Саъдулла ишдан бўша-гани йўқ. У қаламига содиқ ижод қи-ляпти, — деди. Бирпас жим турган, яна сўзида давом этди:

— Кўни кеча устозим, акам, биро-дарим деб мактаган Абдулаттоҳ Ра-жабовнинг ўрнига қандай қилиб бо-рам. У холда ўша айтган ва ёзган гапларим сохта бўлиб чиқади-ку! Одамлар Ҳабибга нима бўлди, дейишмайди. Қолаверса, мисол-лаб тўплаган ҳурмат-эътиборимни,

**ФАРЗАНД**

Бир аёл кўлида чақалоғи билан катта дарахт устига чиқиб олади. Пастда сув пашкириб, ўрқач-ўрқач бўлиб оқмоқда. Аёл эса фарзанди билан дарахт шохини қучоқлаган-ча, Оллоҳга илтижо қилиб дағ-дағ титрайди. Қутқарувчилар сувдан одамларни олиб чиқади, ёрдам беришади. Бир пайт вертолётда юрган қутқарувчиларнинг кўзи да-рахт устида ўтирган болали аёлга тушади. Сув дарахтнинг белига чиққан, аёл энди балодан қочиб-нинг бошқа иложини топа олмайд фарзандини маҳкам қучоқлаганча вертолётдан арқон ташлаганларга термилиб ўтирибди. Қутқарувчилар аёлни арқон билан қучишга унда-шади. Лекин бир кўлида болали қучоқлаган муштирап она арқонга чиқибнинг иложини қила ол-майди. Шунда қутқарувчилар ба-қиради:

— Э, қанақа хотинсан, болан-гини ташла, жонингдан умидинг бор-ми, ташла, — дейишди. Аёл фар-зандини ташлай олмайди. Арқон-га қўл қўзиб ҳам қўймайди. Шу пайт сув бир тўқинланади-да, да-рахтни қулатиб она-болани ўз до-мига тортиб кетади.

Бу ҳижояни эшитиб ўтирган Ўз-бекистон халқ ёзувчиси Саид Ах-мад Шукур Холмирозавга масла-ҳат беради.

— Шунинглайсанми?..

— Йўқ. Юрагим кўтаролмайди.

**Муқимжон НИЁЗОВ**



**ҚИШ ТАҚВИМИ**

Йилнинг энг узун туни бўлмиш Ялдода куз тугайди. Ялдонинг эртасидан қиш-нинг биринчи кунини бошланади. Демак, Қавсининг ўттиздан Жадийнинг биринчи-сига ўтар кечаси ялдоидир. Қиш ойлари Жадй, Далв ва Хутдир. Буларнинг Эронча номи Дай, Баҳман ва Исфанд. Туркияда декабр «Оралик», Январ «Учак», Феврал «Шубот» деб аталади. «Март»да ўзгартиш йўқ. Жорий 1378-йил қишнинг (22 декабр—20 феврал) ойу кунлари куйидагича (чирикдан сўнг милодий берилди, 4-Декабр, 9-Январ, 4-Феврал, 4-Март):

ЖАДИЙ				
Шанба	4-25 д	11-1 я	18-8 я	25-15 я
Якшанба	5-26 д	12-2 я	19-9 я	26-16 я
Душанба	6-27 д	13-3 я	20-10 я	27-17 я
Сешанба	7-28 д	14-4 я	21-11 я	28-18 я
Чоршанба	8-29 д	15-5 я	22-12 я	29-19 я
Пайшанба	1-22 д	9-30 д	16-6 я	23-13 я
Жума	3-24 д	10-31 д	17-7 я	24-14 я

ДАЛВ					
Шанба	2-22 я	9-29 я	16-5 ф	23-12 ф	30-19 ф
Якшанба <td>3-23 я <td>10-30 я <td>17-6 ф <td>24-13 ф <td></td> </td></td></td></td>	3-23 я <td>10-30 я <td>17-6 ф <td>24-13 ф <td></td> </td></td></td>	10-30 я <td>17-6 ф <td>24-13 ф <td></td> </td></td>	17-6 ф <td>24-13 ф <td></td> </td>	24-13 ф <td></td>	
Душанба <td>4-24 я <td>11-31 я <td>18-7 ф <td>25-14 ф <td></td> </td></td></td></td>	4-24 я <td>11-31 я <td>18-7 ф <td>25-14 ф <td></td> </td></td></td>	11-31 я <td>18-7 ф <td>25-14 ф <td></td> </td></td>	18-7 ф <td>25-14 ф <td></td> </td>	25-14 ф <td></td>	
Сешанба <td>5-25 я <td>12-1 ф <td>19-8 ф <td>26-15 ф <td></td> </td></td></td></td>	5-25 я <td>12-1 ф <td>19-8 ф <td>26-15 ф <td></td> </td></td></td>	12-1 ф <td>19-8 ф <td>26-15 ф <td></td> </td></td>	19-8 ф <td>26-15 ф <td></td> </td>	26-15 ф <td></td>	
Чоршанба <td>6-26 я <td>13-2 ф <td>20-9 ф <td>27-16 ф <td></td> </td></td></td></td>	6-26 я <td>13-2 ф <td>20-9 ф <td>27-16 ф <td></td> </td></td></td>	13-2 ф <td>20-9 ф <td>27-16 ф <td></td> </td></td>	20-9 ф <td>27-16 ф <td></td> </td>	27-16 ф <td></td>	
Пайшанба <td>7-27 я <td>14-3 ф <td>21-10 ф <td>28-17 ф <td></td> </td></td></td></td>	7-27 я <td>14-3 ф <td>21-10 ф <td>28-17 ф <td></td> </td></td></td>	14-3 ф <td>21-10 ф <td>28-17 ф <td></td> </td></td>	21-10 ф <td>28-17 ф <td></td> </td>	28-17 ф <td></td>	
Жума <td>1-21 я <td>8-28 я <td>15-4 ф <td>22-11 ф <td>29-18 ф </td></td></td></td></td>	1-21 я <td>8-28 я <td>15-4 ф <td>22-11 ф <td>29-18 ф </td></td></td></td>	8-28 я <td>15-4 ф <td>22-11 ф <td>29-18 ф </td></td></td>	15-4 ф <td>22-11 ф <td>29-18 ф </td></td>	22-11 ф <td>29-18 ф </td>	29-18 ф

ХУТ				
Шанба	7-26 ф	14-5 м	21-12 м	28-19 м
Якшанба <td>1-20 ф <td>8-27 ф <td>15-6 м <td>22-13 м </td></td></td></td>	1-20 ф <td>8-27 ф <td>15-6 м <td>22-13 м </td></td></td>	8-27 ф <td>15-6 м <td>22-13 м </td></td>	15-6 м <td>22-13 м </td>	22-13 м
Душанба <td>2-21 ф <td>9-28 ф <td>16-7 м <td>23-14 м </td></td></td></td>	2-21 ф <td>9-28 ф <td>16-7 м <td>23-14 м </td></td></td>	9-28 ф <td>16-7 м <td>23-14 м </td></td>	16-7 м <td>23-14 м </td>	23-14 м
Сешанба <td>3-22 ф <td>10-21 м <td>17-8 м <td>24-15 м </td></td></td></td>	3-22 ф <td>10-21 м <td>17-8 м <td>24-15 м </td></td></td>	10-21 м <td>17-8 м <td>24-15 м </td></td>	17-8 м <td>24-15 м </td>	24-15 м
Чоршанба <td>4-23 ф <td>11-2 м <td>18-9 м <td>25-16 м </td></td></td></td>	4-23 ф <td>11-2 м <td>18-9 м <td>25-16 м </td></td></td>	11-2 м <td>18-9 м <td>25-16 м </td></td>	18-9 м <td>25-16 м </td>	25-16 м
Пайшанба <td>5-24 ф <td>12-3 м <td>19-10 м <td>26-17 м </td></td></td></td>	5-24 ф <td>12-3 м <td>19-10 м <td>26-17 м </td></td></td>	12-3 м <td>19-10 м <td>26-17 м </td></td>	19-10 м <td>26-17 м </td>	26-17 м
Жума <td>6-25 ф <td>13-4 м <td>20-11 м <td>27-18 м </td></td></td></td>	6-25 ф <td>13-4 м <td>20-11 м <td>27-18 м </td></td></td>	13-4 м <td>20-11 м <td>27-18 м </td></td>	20-11 м <td>27-18 м </td>	27-18 м

Тузувчи: Алийбег РУСТАМИЙ

**Миллий Тикланш Демократик Партияси**

Муассис: Миллий тикланш демократик партияси

**Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАҒУРОВ**

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 0931. Сутувда нархи эркин. Ҳажми 2 босма табоқ. Саҳифаловчи: Холита ИСЛОМОВА. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 2\*.10

Манзилмиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 133-50-18. «Шарк» наширёт-матбаа консерни босмаҳонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй Навбатчи — Шерали НИШОНОВ